O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
XALQ DEPUTATLARI
TOSHKENT SHAHAR
KENGASHINING
QARORI

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
РЕШЕНИЕ
ТАШКЕНТСКОГО
ГОРОДСКОГО КЕНГАША
НАРОДНЫХ ДЕПУТАТОВ

№ 258/30-6 2020 yil " 30 " декабрь

Тошкент шаҳрида ичимлик ва оқава сув хизматлари тарифларини маъқуллаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг 6, 24-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 25 сентябрдаги "Ичимлик суви таъминоти ва оқова сув тизимини янада такомиллаштириш ҳамда соҳадаги инвестиция лойиҳалари самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-6074-сон Фармонига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев раҳбарлигида 2020 йил 17 июль куни кенгайтирилган тарзда ўтказилган видеоселектор йиғилишининг 59-сонли баёни ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2020 йил 19 августдаги 01-22/1324-сонли топшириғи ижросини таъминлаш, шунингдек Тошкент шаҳар молия бош бошқармасининг 2020 йил 29 сентябрдаги 01-3/1904-сонли хати, Монополияга қарши курашиш қўмитаси Тошкент шахар бошқармасининг 2020 йил 11 декабрдаги 02102-879-сонли хатини инобатга олиб, халқ депутатлари Тошкент шахар Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 25 сентябрдаги "Ичимлик суви таъминоти ва оқова сув тизимини янада такомиллаштириш ҳамда соҳадаги инвестиция лойиҳалари самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-6074-сон Фармони, 2020 йил 17 июль куни кенгайтирилган тарзда ўтказилган видеоселектор йиғилишининг 59-сонли баёни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2020 йил 19 августдаги 01-22/1324-сонли топшириқ хати маълумот ва ижро учун;

"Тошкент шахар сув таъминоти" масъулияти чекланган жамияти директори М. Аббасхановнинг ичимлик ва оқава сув хизматлари тарифлари юзасидан тақдимоти маълумот учун қабул қилинсин.

2. "Тошкент шахар сув таъминоти" масъулияти чекланган жамияти директори М. Аббасхановнинг ичимлик ва оқава сув хизматлари учун таклиф этилган нархлари (тарифлар) иловага мувофиқ маъкуллансин.

3. “Тошкент шахар сув таъминоти” масъулияти чекланган жамияти (М. Аббасханов) қонунчиликка мувофиқ нархлари (тарифлар)ни декларация қилиш (тасдиқлаш) ва белгилаш ишларини амалга оширсин.

4. Тошкент шахар ҳокимининг ўринбосари (Ғ. Джамалов), “Тошкент шахар сув таъминоти” масъулияти чекланган жамияти (М. Аббасханов) туман ҳокимликлари билан биргаликда:

Тошкент шахарда хўжалик юритувчи субъектлар, аҳолини тоза ичимлик суви ва оқава (канализация) сувидан мавжуд қарздорлигини қисқартириш ва уларни ошиб кетишига йўл қўймаслик чораларини кўриш;

хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳоли хонадонларини ичимлик сувини ҳисоблаш ускуналари билан тўлиқ таъминлаш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга ошириш;

ичимлик сувидан самарасиз ёки ноқонуний фойдаланишларни олдини олиш;

жамиятнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, соҳада кўрсатилаётган хизматлар даражасини яхшилаш, тармоқдаги авария ҳолатларини ўз вақтида бартараф этиш;

Тошкент шахар аҳолисининг марказлашган ичимлик суви таъминотига бўлган талаб ва эҳтиёжларини ўрганиб бориш, маҳаллаларда сув таъминотидаги узилишларни олдини олиш ҳамда куз-қиш мавсумида ичимлик суви таъминотини барқарор етказиб берилишини назорат қилиш;

оммавий ахборот воситалари вакиллари билан ҳамкорликда ичимлик суви ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланиш, уларни исроф қилмаслик юзасидан тарғибот ва ташвиқот ишларини кучайтириш вазифалари юклатилсин.

5. Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари (С. Абдуллаев), “Тошкент оқшоми” ва “Вечерний Ташкент” газеталари таҳририяти (А. Акромов), Тошкент телеканали (А. Абдусаматов) мазкур қарор оммавий ахборот воситаларида эълон қилинишини ва www.toshkent.uz веб-сайтига жойлаштирилишини таъминласин.

6. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

7. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш халқ депутатлари Тошкент шахар Кенгашининг Коммунал хўжалик ва экология масалалари бўйича доимий комиссияси раиси Ф. Махмудхўжаев ва Тошкент шахар ҳокими ўринбосари Ғ. Джамалов зиммасига юклатилсин.

Халқ депутатлари
Тошкент шаҳар Кенгаши раиси **Ж. Артикходжаев**

К Е Л И Ш И Л Г А Н:

Коммунал хўжалик ва экология масалалари бўйича доимий комиссияси раиси — Ф. Маҳмудхўжаев

Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари — Ғ. Джамалов

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ташкилий-назорат ва таҳлил бошқармаси бошлиғи — Б. Гаибназаров

“Тошкент шаҳар сув таъминоти” МЧЖ директори — М. Аббасханов

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши котибияти мудири — А. Касимов

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши котибияти бош юрисконсульти — Д. Хашимов

Халқ депутатлари
Тошкент шаҳар Кенгашининг
2020 йил 30 декабрдаги 258/306-сон
қарорига илова

Тошкент шаҳрида ичимлик ва оқава сув хизматлари учун маъқулланган нархлар (тарифлар)

Хизмат тури	Амалдаги нарх (тариф) *(сўм)*	Таклиф этилаётган нарх (тариф) *(сўм)*
Ичимлик сув нархи		
Аҳоли учун 1 м^3	310	400
Бюджет ташкилотлари учун 1 м^3	310 (ҚҚС сиз)	400 (ҚҚС сиз)
Улгуржи истеъмолчилари учун 1 м^3	310 (ҚҚС сиз)	400 (ҚҚС сиз)
Юридик ташкилотлари учун 1 м^3	730 (ҚҚС сиз)	1 000 (ҚҚС сиз)
Оқава сув (канализация) нархи		
Аҳоли учун 1 м^3	250	350
Бюджет ташкилотлари учун 1 м^3	250 (ҚҚС сиз)	350 (ҚҚС сиз)
Улгуржи истеъмолчилари учун 1 м^3	250 (ҚҚС сиз)	350 (ҚҚС сиз)
Юридик ташкилотлари учун 1 м^3	460 (ҚҚС сиз)	820 (ҚҚС сиз)